

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ТОШКЕНТ КИМЁ-  
ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.28.12.2017.Ped.01.09. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АТОЕВА МЕҲРИНИСО ФАРҲОДОВНА**

**ЭЛЕКТРОМАГНЕТИЗМ БЎЛИМИНИ ЎҚИТИШНИ ДАВРИЙЛИК  
ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(Академик лицейлар мисолида)**

**13.00.02-Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (физика)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2018**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Атоева Мехринисо Фарходовна**

Электромагнетизм бўлимини ўқитишни даврийлик технологияси асосида  
такомиллаштириш (Академик лицейлар мисолида).....5

**Атоева Мехринисо Фарходовна**

Совершенствование обучения раздела электромагнетизма на основе  
технологии периодичности (на примере академических лицеев).....21

**Atoeva Mekhriniso Farhodovna**

Perfection of educating of division of electromagnetism on basis of technology  
of periodicity (on the example of academic lyceums).....41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

List of published works . . . . . 43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ТОШКЕНТ КИМЁ-  
ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.28.12.2017.Ped.01.09. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АТОЕВА МЕҲРИНСО ФАРҲОДОВНА**

**ЭЛЕКТРОМАГНЕТИЗМ БЎЛИМИНИ ЎҚИТИШНИ ДАВРИЙЛИК  
ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(Академик лицейлар мисолида)**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (физика)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Ped172 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро Давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.nuu.uz](http://www.nuu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Қаҳҳоров Сиддиқ Қаҳҳорович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Турсунметов Комилжон Ахметович**  
физика-математика фанлари доктори, профессор

**Нуруллаев Бобомурод Нажмиддинович**  
педагогика фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Қарши Давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент кимё-технология институти, Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.28.12.2017.Ped.01.09. рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-16-65; факс: (99871) 246-02-24; e-mail: [nauka@nuu.uz](mailto:nauka@nuu.uz))

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-16-65; факс: (99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2018 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ да \_\_\_ - рақамли реестр баённомаси).

**М.М.Арипов,**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

**А.Д.Асқаров,**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, п.ф.ф.д, (PhD)

**Р.Б. Бешимов,**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, ф.-м.ф.д., профессор

## Кириш (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон таълим тараққиётида физика фанининг инсоният дунёқараши ва яшаш тарзига таъсири, инновацион ўзгаришлардаги ўрни, электроника, электротехника, радиотехника, робототехника, фотоника, микроэлектроника каби соҳаларда эришилаётган ютуқлар ўқитиш тизимини технологиялаштиришга талабни кучайтирди. Ишлаб чиқариш ва физикани ўқитиш ўртасидаги боғлиқлик ва алоқадорликни таъминлаш мақсадида мураккаб физик жараёнларнинг виртуал имитаторларини таълим жараёнига жорий қилиш тенденциялари кучайиб бормоқда.

Дунёда физика фанини ўқитиш сифатини яхшилаш, таълим жараёнига инновацион ва ахборот технологияларини интеграциялаш, таълим технологиялари имкониятларидан фойдаланиш орқали ўқувчиларнинг ақлий салоҳияти, ижодий қобилиятларини ривожлантириш, компетенциявий ёндашув асосида касбий соҳаларга йўналтирилган замонавий методик таъминотни яратиш, таълим сифатини таъминлашга йўналтирилган самарали тадқиқотлар олиб борилмоқда. Физика фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларни замонавий ва истиқболли меҳнат бозори талабларига, инновацион таълим муҳитида ўқитишнинг янги стратегияларига мослаштириш, доимий янгиланиб, ўзгариб, такомиллашиб бораётган физика таълими ахборот инфраструктураси базасининг касбий фаолиятга алоқадор параметрларини эгаллаш, технологик тараққиёт талабларига мослаштириш, инновацион технологиялар асосида ривожлантиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Мамлакатимизда таълим тизимига қаратилган эътибор, туб ислохотлар, ўқитишнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитлари ва моддий-техник базасини яратиш, малакали кадрлар билан таъминлаш, халқаро илғор тажрибалардан кенг фойдаланиш бўйича олиб борилаётган амалий ишлар натижасида физика фани ўқув дастурлари, ўқув-услубий адабиётлари мазмунини янгилаш, ўқув жараёнига инновацион таълим технологияларини кенг жорий қилинишига эришилди. Шу билан бирга физика фани ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг электромагнетизм бўлимига оид билимларни ўзлаштиришдаги ўқув фаоллигида кузатилган муаммолар ўқитиш технологиялари имкониятларини кенгайтириш заруриятини кўрсатмоқда. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси“да математика, физика, кимё, биология, информатика ва чет тили каби муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш”<sup>1</sup> устивор вазифа қилиб белгиланиб, бу борада физика фанининг электромагнетизм бўлиминини ўқитиш методикасини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2018 йил 25 январдаги “Умумтаълим, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” ПҚ-4513-сонли, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 январдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар” таълимининг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли қарори ва бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Физиканинг электромагнетизм бўлими мазмуни ва ўқитиш методикаси юзасидан олимлар томонидан қатор методик тавсиялар берилган. Жумладан, физик педагог олимлар Ш.Шахмаев, Д.Ш.Шодиев, М.Джораев Б.М.Мирзааҳмедов, О.Аҳмаджонов, К.Т.Темиркулова, У.Толипов, У.Бегимқулов, К.Турсунметов, С.Қаҳҳоров, М.Курбонов, Г. Юнусова, Х.Маҳмудова, Д.А.Бегматова, Л.Болтаева, М.Ҳайдарова, Б.Нуриллаев ва бошқалар томонидан умумий дидактик ва методик аспектда ўтказилган тадқиқотларда таълим жараёнини ташкил қилиш, таълим муассасаларида физика ўқитишни такомиллаштириш ўз аксини топган.

Б.Б.Майер, А.А.Покровский, Н.М.Мякишев, А.Б.Савельев, М.М.Калашников, М.Н.Шахмаев каби МДҲ ҳамда хорижий давлатлар олимлари физика фани бўлимлари бўйича назарий ва экспериментал масалаларга эътибор қаратган бўлса, М.М.Терентьев, П.И.Медведский, М.Н.Зверева кабилар физикани ўқитишда билим олиш юқори кўрсаткичларига эришишнинг академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун физика ўқитиш самарадорлигини ошириш, фаол ва жадал ўқитиш борасида илмий-тадқиқот ишлари олиб борганлар. Тадқиқот муаммосини ҳал қилишнинг психологик-дидактик жиҳатлари И.Лернер, А.Леонтьев, Н.Менчинская, С.Рубинштейн, В.Г.Разумовский, Н.Калашников, С.Савельев, А.Б.Усова каби олимларнинг ишларида ўз аксини топган. В.Коликованинг тадқиқот ишларида лаборатория машғулотларида компьютерлардан фойдаланиш муаммолари ўрганилган ва уларнинг тадқиқотларида физика дарсларида лаборатория ишлари бажарилишини миқдорий баҳолаш, физикани ўрганишда мустақил ишларнинг ўрни, экспериментал

кўникмаларни шакллантириш воситалари дидактик жиҳатдан илмий, назарий ва амалий асослари ишлаб чиқилган.

Мавжуд назарий манбаларда физика курси электромагнетизм бўлимини ўқитишда даврийлик технологиясидан фойдаланиш масалалари тадқиқ қилинмаганлиги, ўқувчиларда конъектив хусусиятларини ривожлантириш, масалаларни ечиш, назарий ва амалий дарсларни ташкил қилиш, олинган назарий билимларни ҳаётга татбиқ қилишда муаммоларнинг сақланиб қолаётганлиги даврийлик технологиясини кўллашга доир чуқур илмий ёндашувларга бўлган эҳтиёж юзага келганлигини кўрсатмоқда.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқот иши Бухоро Давлат университети илмий-тадқиқот ишларининг А-13-3 рақамли “Қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини янада такомиллаштириш ва улардаги жараёнларни моделлаштиришни тадқиқ қилиш” (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** физиканинг “Электромагнетизм” бўлимини даврийлик технологияси асосида ўқитишни такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Физика курси электромагнетизм бўлимини ўқитишнинг умумий ўрта таълим “Электр ходисалари” бўлими ва академик лицей физика курсининг электромагнетизм бўлимига тегишли параметрларни ўрганишнинг даврийлик технологияси асосидаги моделини ишлаб чиқиш;

Электромагнетизм бўлимини ўқитишнинг услубий асослари ва ўқув-методик таъминотини кенгайтириш мақсадида даврийлик технологияси бўйича ишлаб чиқилган дарс ишланмалари асосида ўқитишни такомиллаштириш;

Физика фани электромагнетизм бўлимини ўқитишда инновацион методлар (муаммоли вазият, Венн диаграммаси, жуфт-контраст мисоллар)дан фойдаланиш бўйича илмий-методик тавсиялар ва таклифлар, дарс ишланмаларини ишлаб чиқиш;

физика таълимини такомиллаштириш жараёнида электромагнетизм бўлимини даврийлик технологияси асосида ўқитиш учун танланган ўқув материалларнинг ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш билан бирга тажриба натижалари асосида таълим ресурслари ва ўқувчиларнинг аниқ техника фанларига қизиқишини кучайтириш бўйича тавсиялар тайёрлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида академик лицейларда физиканинг электромагнетизм бўлимини даврийлик технологияси асосида ўқитиш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Бухоро, Қашқадарё, Навоий вилоятларидаги 10 та академик лицейларнинг 750 нафар ўқувчилари жалб этилди.

**Тадқиқотнинг предмети** электромагнетизм бўлимини ўқитишни даврийлик технологияси асосида такомиллаштиришнинг шакл, метод ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида унинг мақсад ва вазифаларига қаратилган кузатув, қиёсий таҳлил, тажриба-синов, моделлаштириш, сўровнома, тест, суҳбатда натижаларни математик-статистик таҳлил қилиш усулларида фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

электромагнетизм бўлимини ўқитиш жараёнида даврийлик технологиясидан фойдаланиш имкониятлари тезкор диагностика (ўқувчиларнинг физикавий билимларни эгаллаш, мустақил ва лаборатория ишларини бажариш, масалалар ечиш) натижасига кўра электр ва магнит ҳодисаларни ифодаловчи ўқув элементларини гуруҳлаш асосида такомиллаштирилган;

фанлараро ва ўқув мавзулари ўртасидаги таянч тушунчаларининг алоқадорлик кўрсаткичлари асосида ўқув жараёнини даврийлаштириш мезонлари (такрорлаш, таққослаш, танлаш, тартиблаш, узвийлик) аниқлаштирилган;

ўқитишда даврийлик технологиясини қўллаш тузилмаси (таянч тушунчалар, ўқув актлари, ўқув босқичлари, ўқув даврлари) мазмуни креативлик қобилиятларни ривожлантиришда электромагнетизмга оид билимлар динамикаси (ўзгариш, фаоллик, босқич)га устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

мураккаб мавзуларни ўзлаштиришга оид илмий-методик тавсиялар ўқув босқичларини даврийлаштириш ҳамда ижодий фаолиятни ривожлантирувчи услубий ёндашувлар (вербал, кўргазмали, амалий узатиш) ўзаро интеграциялаш асосида ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

физика фани электромагнетизм бўлимига оид ўқув элементларининг бошқа фанлар билан алоқадорлик хусусиятлари аниқланган ва ўқитиш самарадорлигини оширишда фойдаланилган;

физика таълимида электромагнетизм бўлимини даврийлик технологияси асосида такомиллаштириш тамойиллари ва хусусиятлари асосида яратилган “Электромагнетизм мавзуларини ноанъанавий ўқитиш методикаси” номли ўқув-услубий қўлланма ҳамда “Электродинамикада даврийлик” номли монография чоп этилган ва амалиётга тавсия этилган;

физика фани электромагнетизм бўлимига тегишли мавзулар юзасидан дарс ишланмалари, намойиш тажрибалар, электрон слайдлар, анимациалар яратилиб, ўқув жараёнига тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган ўқув-услубий қўлланма ва у ҳақдаги тақризлар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.



**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган таълимни бошқариш йўллари ҳисобланган даврийлик технологияси асосида электромагнетизм бўлими мавзуларини ўқитишда ўрта махсус ва касб-ҳунар таълимида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация хулосалари ва натижаларидан ўрта махсус ва КХК таълим муассасаларида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ва физика, механика, математика, техника фанлари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Электромагнетизм бўлимини ўқитишни даврийлик технологиясидан фойдаланиб такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган назарий-методологик ва амалий таклифлар асосида:

электромагнетизм бўлимини ўқитишда даврийлик технологиясини қўллаш имкониятлари, тузилмаси, тезкор диагностикаси, ўқув элементларини гуруҳлаштириш, креативлик қобилиятларни ривожлантиришга оид таклифлар асосида “Электромагнетизм мавзуларини ноанъанавий ўқитиш методикаси” ўқув-услубий қўлланмаси нашр этилган ва ўқув жараёнига татбиқ этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 18 сентябрдаги 89-03-3407-сон маълумотномаси). Ушбу ўқув адабиёти академик лицейларнинг ўқув-методик таъминотини бойитиш ҳамда ўқувчиларнинг электромагнетизм бўлими бўйича билимларни ўзлаштириш имкониятлари ошишига хизмат қилган;

электромагнетизм бўлими ўқув элементларининг ўзаро боғлиқлиги, фанлараро ва ўқув мавзулари ўртасидаги алоқадорлик, ўқув жараёнини даврийлаштириш мезонларига оид таклифлари ЁА-1-9 рақамли “Аҳолининг турли қатламларида педагогик-психологик хизмат кўрсатиш амалиёти” мавзусидаги ёш олимлар амалий лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 18 сентябрдаги 89-03-3407-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф ва тавсиялар фанлараро алоқадорликни мустаҳкамлаш, ўқитишнинг педагогик имкониятларини кенгайтириш ва таълим самарадорлигини ошириш имконини берган;

даврийлик технологиясидан фойдаланишнинг методик таъминоти, ижодий фаолиятни ривожлантирувчи услубий ёндашувлар, баҳолаш мезонлари, ташкилий шаклларга оид амалий таклиф ва тавсиялари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июндаги 434-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқитиладиган физика фани ўқув дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 18 сентябрдаги 89-03-3407-сон маълумотномаси). Мазкур дастур ўқув мазмунини режалаштириш, ўқув адабиётларини саралаш ва ишлаб чиқиш, фаннинг умумий тузилмасини жорий этиш имкониятларини кенгайтирган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялар асосий натижалари чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 14 та илмий мақола, жумладан 9 таси республика ва 5 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 3 та боб, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат, ҳажми 141 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий, услубий янгилиги ва амалий аҳамияти баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқотни амалга ошириш босқичлари ҳамда тадқиқот натижаларини педагогик тажриба-синовдан ўтказиш, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг **“Физика курсини ўқитишда даврийлик технологиясидан фойдаланишнинг дидактик асослари”** деб номланган биринчи бобида умумтаълим мактабларидан кейин олинган таълим тизимининг аниқ ва табиий фанлар йўналиши бўйича таълим олувчи ўқувчилар учун мўлжалланган дарслик ва услубий қўлланмалар таҳлили, таълимнинг даврийлик технологиясига доир адабиётлар, илмий мақола ва диссертациялар, ўқитиш жараёнида мавжуд муаммолар ўрганилиб, ўқувчининг физикавий билимларини ўзлаштиришга бўлган қизиқишини ривожлантириш жиҳатлари ёритилган.

Мазкур бобда физик педагог олимлардан И.Аллаёров, Б.Мирзахмедов, М.Джораев, М.Мамадазимов, Ю.Пўлатов, Ш.А.Тошхўжаев, Д.Ш.Шодиев К.А.Турсунметов, С.Қ.Қаҳҳоров, М.Қурбонов ва бошқалар томонидан умумий дидактик ва методик аспектда ўтказилган тадқиқотларда таълим жараёнини ташкил этиш, таълим муассасаларида физика ўқитишни такомиллаштириш хусусида аҳамиятли, ижобий фикрлар айтиб ўтилган бўлсада, даврийлик технологияси асосида ўқитиш методлари АЛ ларда физика таълимига олиб кириш масалалари тўлиқ ўрганилмаганлиги кўрсатилган. Физика фанининг электромагнетизм бўлими мазмунини такомиллаштиришда даврийлик технологиясидан фойдаланиш масалаларини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари ўтказилмаган; шунингдек, ахборот

технологиялардан фойдаланиб физика фанининг электромагнетизм бўлимини даврийлик технологияси асосидаги ўқитиш методикаси ишлаб чиқилмаган, тавсиялар тайёрланмаган.

Академик лицейларда (АЛ) ўқитилаётган физика курсининг назарияси, лаборатория ишлари ва масалалар ечиш учун нашр қилинган адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатади, АЛ нинг аниқ ва табиий фанлар йўналиши бўйича таълим олувчи ўқувчиларга мўлжалланган ўқув-режасидаги электромагнетизм бўлимининг айрим мавзуларини ёритилиши талабга жавоб бермайди.

Электромагнетизм бўлимининг мазмун-моҳиятини англашда, иқтидорли ва қобилиятли ўқувчиларнинг психологик ва педагогик хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, физика таълими мазмуни ва методларини танлашда ҳамда уларни самарали қўллаш орқали физика таълими мазмунининг даврийлик технологияси асосида такомиллаштиришда фойдаланиш имкониятлари аниқланди.

Ўз ҳаракатининг бошланган нуқтасига ривожланган ҳолда қайтиб келувчи ва яна ривожланиши учун ундан узоқлашадиган амплитудаси кўлами катталаниб боровчи спиралсимон жараёни физика таълими даврийлиги сифатида қабул қилинади. Физика фанида даврийликни фанлараро боғлиқлик билан ҳамоҳанг олиб бориш ижобий натижаларга олиб келади. Амалда фанлараро алоқадорликнинг аввалдан маълум бўлган билимлардан фойдаланиладиган, ҳамоҳанг (параллел равишда), истиқболли фанлараро алоқадорлик каби турлари мавжуд бўлиб, улардан ўз ўрнида унумли фойдаланиш масалалари очиқ берилган (1-жадвал).

Физикада фанлараро алоқадорликнинг йўлга қўйилиши, ўқувчилар дунёқарашининг шаклланишида, ўқув-тарбиявий жараёнини такомиллаштириш ва уни оптимал ташкил қилишда алоҳида аҳамият касб этади, шу билан бирга ўқувчи билимини оширади, уларнинг мантиқий фикрлаш, ижодий қобилиятларини ривожлантиради, мавзуни ўзлаштиришда вақтни тежайди, ўқувчи билимини бойитади, мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантиради. Электромагнетизм бўлимини ўқитишнинг умумдидактик тамойилларига: ривожлантирувчи ва тарбияловчи, тизимлилик ва изчиллик, бўлимни ўқитиш жараёни мазмуни ва усулларининг илмийлиги, ўқувчиларнинг ижодий фаоллиги, мустақиллиги ва онглилиги, кўрғазмалилик, назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги, бўлимни ўзлаштириш натижаларининг мустаҳкам бўлиши кабилар киради.

Даврийлик технологиясини амалда қўллашда фанлараро боғлиқликдан фойдаланиш муҳимдир, айниқса, дарс жараёнида ижобий характердаги муаммоли вазиятларни яратиш усули самарали фойда беради. Бунинг учун, ўқувчининг аввалдан ўзлаштирган билимларининг такрорланиш тамойилига асосан босқичларда такрорланади ва босқичлар бирлашиб, даврни ҳосил қилади.

Электромагнетизм бўлимини ўқитишда даврийлик технологиясидан фойдаланиш, ўқувчи фаолиятини илмий бошқариш ва таълим натижасини

баҳолаш мақсадида ўқитишнинг ривожлантириш модели шакллантирилади, бу эса, ўз навбатида, ўқув мақсадларининг оқилона такрорланиши, таълим воситалари, таълим натижаларининг ривожланиш шакллари ёритилиши масалаларини ойдинлаштириш имкониятларини беради.

### 1-жадвал

#### Электромагнетизм бўлими мисолида фанлараро алоқадорлик


Т/р	Электромагнетизм бўлимига оид мавзулар	Фанлараро боғлиқлик маълумотлари	Фойдаланишга тавсия этиладиган усул
1.	Электр заряди	Кимё-8. 21-§. Модданинг тузилиши	Таққослаш, такрорлаш
2.	Ўтказгич ва диэлектрик	Кимё-8. Кристаллар	Таққослаш
3.	Кулон қонуни	Физика. Бутун олам тортишиш қонуни. Молекуляр физика. Молекулалар орасида ўзаро таъсир кучи	Уйга вазифа бериш, такрорлаш, таққослаш
4.	Электр майдон	Табиатшунослик. Табиатни асранг	Такрорлаш
5.	Катталиклар номлари ва бирликлари (кучланганлик электр кучи, кучланиш, қаршилиқ, кувват кабилар)	Инглиз тили. Физикада ишлатиладиган айрим терминларнинг мазмуни инглиз тилидан олинганлиги тушунтирилади	Таққослаш
6.	Потенциал ва потенциаллар фарқи	Механика (физика). Оғирлик кучи майдони	Таққослаш
7.	Электростатик майдонда бажарилган иш	Механика (физика). Тортишиш майдонида бажарилган иш	Таққослаш, такрорлаш
8.	Электролиз.Фарадей қонунлари.	Кимё-8. 26-§. Электролитлар. Диссоциациаланиш.	Таққослаш, такрорлаш
9.	Газларда электр токи.	Кимё - 8. Ионлашиш. Рекомбинация	Таққослаш,
10.	Суперпозиция принципларига доир масалалар ечиш.	Геометрия. Векторлар устида амаллар, кўшиш, айириш	Таққослаш, график яшаш, такрорлаш
11.	Электр токининг таъсирлари. Жоуль-Ленц қонуни.	Кимё-9. Электр токининг бажарган иши ва куввати. Электротехника	Таққослаш, такрорлаш
12.	Доимий магнитлар. Магнит майдон.	География-8., Кимё-9, биология	Таққослаш, такрорлаш
13.	Электромагнит индукция ходисаси. Трансформатор	География-8., Кимё-9, математика	Таққослаш, такрорлаш
14.	Электромагнит тебранишлар.	Геометрия. География-8., Кимё-9, математика	Таққослаш, такрорлаш
15.	Электромагнит тўлқинлар	Геометрия. География-8., Кимё-9, математика	Таққослаш, такрорлаш

Шу боис, мазкур тадқиқот ишида илғор педагогик технологияларни электромагнетизм бўлимини ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари ва дидактик тамойилларни ҳисобга олган ҳолда татбиқ этиш,

улар асосида ўқув воситалари ва услубий қўлланмалар яратиб, ўқув жараёнига жорий қилиш асосий мақсад қилиб қўйилди.

Диссертациянинг “**Электромагнетизм**” бўлимини даврийлик технологияси асосида ўқитишни такомиллаштириш методикаси” деб номланган иккинчи бобида физиканинг электромагнетизм бўлимини даврийлик технологияси асосида ўқитиш ва такомиллаштириш методикаси, хусусан унда ахборот технологияларидан фойдаланиш, ўқитиш воситалари, бўлим мавзуларини даврийлик технологияси асосида ўқитиш методикаси баён қилинган. Физика таълимини даврларга ажратиб ўрганиш, уларни ажратиш ўлчовларини аниқлаш, даврларни бир-биридан фарқлаш, ўқув фаолияти даврларини қатъий чегаралаш, шубҳасиз, қатор ютуқларга олиб келади. Даврдан-даврга ўтган сари ўрганилган ва энди ўрганиладиган билимлар ўртасидаги алоқадорликни таъминлаш учун имкониятлар яратилади; у ёки бу ўқув материални тўлиқ ўзлаштириш учун зарурий такрорлаш чегараси аниқланади; таълимнинг оқилона ҳаракати учун шарт-шароит тайёрланади. Электромагнетизмни даврийлик технологияси асосида тушунтириш методикасини бериш мақсадида ўзлаштириши нисбатан қийинроқ бўлган мавзуларга оид 10 та дарс ишланмаси яратилди. Улардан биттасини кўрсатиб таҳлил қиламиз, бу “**Электр майдон. Электр майдон кучланганлиги. Кучланганлик чизиклари ва уларни ўтказиш коидалари. Майдонларнинг суперпозиция принципи. Электр майдонни график равишда тасвирлаш. Бир жинсли электр майдон. (Ўқув режанинг 5-6-тартибдаги назарий дарси бўлиб, 2 соат, яъни 80 минутга мўлжалланган, А.Г.Ғаниев, А.К.Авлиёкулов, Г.А.Алмардановаларнинг АЛ ва КХК лар учун мўлжалланган дарсликдаги 62, 63-§)**” мавзусидир. Дарсда ўзлаштирилган таянч тушунчалар (ТТ) лар тарзида берилиб, диаграммада рақамлар билан белгиланган.

Ўзлаштирилган билим ва малакаларни назорат қилувчи давр – якуний даврдир, бунда ўзлаштирилган билим, малакаларнинг камомад жойлари аниқланади, малака ва тушунчалар устида навбатдаги босқичда амалга ошириладиган ўқув фаоллиги жараёни белгилаб олинади. Дарснинг мавзусини ўтишда даврийлик технологиясини қўллашни 1-расмда кўрсатилгандек тасвирлаш мумкин.



**1-расм. Дарс мавзусини тушунтиришда даврийлик технологиясидан фойдаланиш модели**

Ёпиқ диаграмма таълимнинг бир даврини ифодалайди, берилаётган таълимий тушунчалар, мазмун ва моҳиятига қараб тугалланиши таълим босқичларини ташкил қилади. Бир тўлиқ давр 6 босқичдан иборат. 1-босқич 10 та ТТ, 2-боқич 8 та ТТ, 3-босқич 8 та ТТ, 4-босқич 6 та ТТ, 5-босқич 9 та ТТ ва 6-босқич 6 та ТТ лардан иборат. Ҳар бир босқичдаги ТТ лар 5-ТТ га узвий боғлиқ, шу билан бирга, ҳар бир ТТ бошқа маълум ТТ билан мазмунан боғлиқдир. 1-босқичдаги эбонит таёқча (1-ТТ), мўйна (2-ТТ) га ишқаланганда эбонит таёқча зарядланади (ишқаланиш натижасида зарядланиш (3-ТТ)). Эбонит таёқча (1-ТТ) ёрдамида электроскоп (2-ТТ) ни зарядласак, электроскопда зарядланиш ҳодисаси рўй беради. Электрланган жисм **НИМА** билан зарядланади (6-ТТ)? Электрланган жисм **ЭЛЕКТР ЗАРЯДИ** (5-ТТ) билан зарядланади!

(5-ТТ) – асосий (ТТ) га тааллуқли хоссалар тушунтирилади, яъни, заряд турлари – мусбат (8-ТТ) ва манфий (9-ТТ) зарядларнинг мавжудлиги, заряднинг сақланиш қонуни (10-ТТ) ўқувчиларга тушунтирилади.

Зарядланган жисм атрофида мавжуд бўлган ва бизнинг сезги органларимизга боғлиқ бўлмаган майдонга электр майдон (13-ТТ) дейилади. Электр майдоннинг асосий характеристикаларидан бири электр майдоннинг кучланганлигидир. Электр майдонни куч чизиқлари орқали ҳам ифодалаш мумкин. Электр майдонига киритилган бирлик мусбат “синов заряди” (11-ТТ) га майдон томонидан таъсир қилувчи кучни ифодаловчи вектор физик катталиқка электр майдон кучланганлиги (12-ТТ) дейилади, унинг йўналиши (15-ТТ) электр майдон куч чизиқлари йўналиши билан аниқланади.

Электр заряди нуқтавий бўлиши мумкин. Қўзғалмас нуқтавий электр заряд (17-ТТ) лар орасидаги ўзаро таъсир кучи Кулон қонуни (19-ТТ) билан аниқланади. Қўзғалмас нуқтавий заряд атрофидаги электр майдонга электростатик майдон (18-ТТ) дейилади. Кулон қонуни (19-ТТ): Вакуумда қўзғалмас нуқтавий зарядлар ўз зарядлари модулларининг кўпайтмасига тўғри пропорционал, ораларидаги масофанинг квадратига тескари пропорционал бўлган куч билан ўзаро таъсирлашади:

$$\vec{F} = \frac{1}{4\pi\epsilon_0} \frac{|q| \cdot |q_0|}{\epsilon r^2} \quad (1)$$

(1)-формула Кулон қонунининг ифодаси бўлиб, бундаги  $q_0$  ва  $q$  ўзаро таъсирлашувчи зарядлар,  $r$  - зарядлар орасидаги масофадир.  $k = \frac{1}{4\pi\epsilon_0}$

*пропорционаллик коэффициенти* (20-ТТ). Мухитдаги нуқтавий заряд учун электр майдон кучланганлиги

$$E = k \frac{q}{\epsilon r^2} \quad (2)$$

Бунда  $E$  - электр майдон кучланганлиги,  $\frac{H}{Kл}$ ,  $\left(\frac{B}{M}\right)$  ва

$$\epsilon = \frac{E_0}{E} \quad (3)$$

Бунда  $\epsilon$  муҳитнинг диэлектрик сингдирувчанлиги (21-ТТ) бўлиб, бирликсиз катталиқ. Формуладан кўринадики, нуқтавий заряд электр майдони муҳитда майдонни ҳосил қиладиган зарядгагина боғлиқ бўлиб, майдонга киритилган “синов заряди”га боғлиқ эмас ва муҳитда миқдори  $\epsilon$  марта камаяди. Электр майдонни *кучланганлик чизиқлари* (22-ТТ) ёрдамида график равишда тасвирлаш анча қулайдир. М.Фарадей томонидан биринчи марта электр майдонни график равишда тасвирлаш учун куч чизиқлари тушунчаси киритилган. Электр майдоннинг бирор нуқтасидаги *кучланганлиги* (23-ТТ) миқдор жихатдан майдоннинг шу нуқтасидаги бир бирлик юзидан унга тик равишда ўтаётган куч чизиқларининг сонига, яъни куч чизиқларининг сирт зичлигига тенг. Таъриф: Агар электр майдоннинг барча нуқталарида майдон кучланганлиги миқдор жихатдан бир хил бўлса, бундай майдонга *бир жинсли майдон* (24-ТТ) дейилади. Унда куч чизиқлари зичликлари бир хил бўлади. Бир жинсли майдон учун  $\vec{E} = const$ .

Ҳар бир боскичдаги янги тушунчаларни тушунишда электр заряд тушунчаси ҳар сафар таянч такрорланувчи тушунча сифатида намоён бўлади, шу даврнинг ичидаги ҳар бир (ТТ) ва улар орасидаги боғлиқликда 5-(ТТ), электр заряди иштирок этади, бу (ТТ) нинг такрорий намоён бўлиши таълим даврийлигининг намоён бўлишидир! Савол: Бир жинсли электр майдон қаерда ҳосил бўлиши мумкин? Бир жинсли электр майдон текис зарядланган текислик атрофида ҳосил бўлади. Таъриф: Агар зарядланган текисликнинг ҳар бир квадрат метрига бир хил миқдордаги заряд мос келса, текисликка текис зарядланган текислик (25-ТТ) дейилади. Таъриф: Зарядланган текисликнинг бирлик юзасига мос келувчи заряд миқдорини ифодоловчи скаляр физик катталиқка *заряднинг сирт зичлиги* (26-ТТ) дейилади:

$$\sigma = \frac{q}{S} \quad (4)$$

Бунда  $\sigma$  - заряднинг сирт зичлиги,  $-\frac{Kл}{м^2}$ ;  $q$  - заряд,  $Кл$ ;  $S$  - юза,  $м^2$ .

Электр нуқтавий кўзгалмас зарядларнинг сони бир эмас, бир нечта бўлса, *зарядлар системаси* (28-ТТ) нинг ҳосил қилган электр майдони қандай бўлади, ёки зарядлар атрофида ҳосил бўлаётган электр майдон кучланганлиги қандай бўлади?, деган саволларни қўйилади.


Майдонлар суперпозиция принципи: Зарядлар системасининг бирор нуқтада ҳосил қилган электр майдонининг кучланганлиги системага кирувчи ҳар бир заряднинг ўша нуқтада алоҳида-алоҳида ҳосил қилган майдонлар кучланганликларининг вектор (геометрик) йиғиндисига тенг, яъни:

$$\vec{E} = \vec{E}_1 + \vec{E}_2 + \dots + \vec{E}_n = \sum_{i=1}^n \vec{E}_i \quad (5)$$

Бу формула электр майдонлари суперпозиция (қўшиш) принципининг математик ифодаси (32-ТТ) бўлиб, у ҳар қандай системадаги электр зарядлари ҳосил қилган майдон кучланганлигини ҳисоблаш имконини бериши тавсифланади. Бир эмас, бир нечта электр майдонлари жойлашган

мухитнинг берилган нуктасида *электр майдонларнинг таъсири* (33), ана шу куч таъсири билан баҳоланади.

Тавсия этилган методика асосида физика курсини ўқитишни даврийлик технологияси асосида такомиллаштириш модели ишлаб чиқилди (2-расм).



2-расм. Физика курсининг электромагнетизм бўлимини ўқитишнинг такомиллаштириш модели



Қаралаётган нуктада натижавий электр майдон (34-ТТ) кучланганлиги майдонни ҳосил қилаётган зарядлар майдон кучланганликларининг вектор йиғиндисига тенг. Шулар асосида электромагнетизм бўлиmidан 10 та назарий, 10 та амалий машғулот (масалалар ечиш) ва 5 та лаборатория машғулотлари дарслари учун даврийлик технологияси асосида дарс ишланмалари тайёрланди ва ўқув жараёнига татбиқ қилинди.

Таклиф қилинган модель асосида физика фанининг электромагнетизм бўлимини ўқитиш жараёни ўқувчиларда ўзлаштириш самарадорлигини оширишига олиб келади ва унда ўқитиш сўз орқали ифодалаш, кўргазмали, анимация, видеолавҳа, ёзма ва техник воситалар ёрдамида тақдимот қилиниши мумкин. Ўқитиш жараёнида таълим технологияси натижалари унинг барча иштирокчилари – ўқитувчи ва ўқувчига тегишли бўлиб, «субъект-субъект» муносабати алоҳида аҳамият касб этади. Шулар асосида ўқитишнинг такомиллаштириш моделида психологик-педагогик хусусиятлар ташҳисланиб, дарс мақсади шакллантирилади. Ўқувчининг ижтимоий эҳтиёжини шакллантириш ва мақсадга эришиш учун меъёрий ҳужжатлар такомиллаштирилиб, фан дастури асосида ўқитилади ҳамда ўзлаштириш натижалари баҳоланади, яъни, ўқувчининг билими, кўникмаси, малакаси ва қайта ўзлаштириши якуний назорат асосида таълим натижаси баҳоланади.

Диссертациянинг **“Педагогик тажриба-синовни ташкил этиш ва уни ўтказиш”** деб номланган учинчи бобда педагогик тажриба ўтказиш ва унинг натижаларини олиш учун кузатув, сўровнома, тест ўтказиш, оғзаки ва ёзма сўров, ёзма иш каби турли усуллардан фойдаланилиш аспекти баён қилинган.

Педагогик тажриба-синов (ПТС) Бухоро Давлат университети (БухДУ) ҳузуридаги 1-, 2-, 3-АЛ лар, Бухоро муҳандислик технология институти ҳузуридаги АЛ, Навоий Давлат педагогика институти (НДПИ) қошидаги АЛ, Қарши давлат университети (ҚарДУ) ҳузуридаги АЛ да ўтказилди.

Тажриба-синов иши биринчи босқичи (2013/2014 ў.ў.) да танланган муаммони АЛ даги ўрганиш ҳолатини, ўқувчиларда мустақил билим олиш кўникмаларининг шаклланиши даражасини аниқлаш мезонини топишдан иборат бўлди.

Тажриба-синовнинг иккинчи босқичида (2014/2015 ў.ў.) АЛ ўқувчиларини даврийлик технологияси асосида ўқитишда электромагнетизм бўлими бўйича ўқув материални ўзлаштириш даражаларининг дастлабки ҳолати аниқланди. Даврийлик технологияси билан биргаликда бошқа педагогик технологиялар асос қилиб олинган таълим натижалари солиштирилди, тажрибалар ўрганилди, умумлаштирилди, электромагнетизмга оид назарий ва амалий билимлар хулосаланди.

Тажриба-синов жараёнининг учинчи босқичида (2015/2016, 2016/2017 ў.ў.) физикани ўқитиш учун ишлаб чиқилган даврийлик технологиясига таянган ҳолда АЛ ларда ўқитишда даврийлик технологиясининг апробация қилишдаги муаммолар ҳал қилинди, ўзлаштириш усулларига тегишли ўзгартиришлар киритиш, даврийлик технологиясига асосланиб

Ўқувчиларнинг мустақил билим олишларини ташкил қилиш, турли усулдаги назоратлар ўтказиш орқали ўқитиш самарадорлигини аниқлаш асосий мақсад сифатида белгиланди. 2014/2015 ў.й.да тажриба-синовнинг иккинчи босқичи доирасида АЛ ларнинг иккинчи курсларида ҳам режа асосидаги мавзу учун даврийлик технологияси элементлари дарс жараёнида синаб кўрилди. Олинган натижалар 2-жадвалда ва диаграммада (3-расм) келтирилган.

Даврийлик технологияси асосида ўқитилган гуруҳ ўқувчилари 43,1% ҳолда тўлиқ тўғри жавобни (ТТЖ) белгилашган, 43,1% ҳолда тўлиқ тўғри бўлмаган жавоб (ТТБЖ) ни танлашган, 13,8% ҳолда нотўғри жавоб (НЖ) кўрсатилган.

## 2-жадвал

### Ўқувчиларнинг умумлаштирилган математик статистик таҳлили натижалари


Ўтказилган тажрибалар	Тажрибада иштирок этган гуруҳлар	Ўқувчилар сони	Баҳолар				Баҳоларнинг ўртача қиймати	Эҳтимолилик оралиғи	Самарадорлик
			«5»	«4»	«3»	«2»			
1-тажриба.	1-тажриба гуруҳи	100	37	45	17	1	4,19	0,021	$\eta = 1,09$
	2-тажриба гуруҳи	98	43	36	19	-	4,25	0,022	$\eta = 1,11$
	Назорат гуруҳи	96	21	39	36	-	3,84	0,022	
2-тажриба	1-тажриба гуруҳи	98	35	45	18	-	4,17	0,024	$\eta = 1,12$
	2-тажриба гуруҳи	97	45	41	16	-	4,37	0,023	$\eta = 1,15$
	Назорат гуруҳи	95	18	36	40	1	3,57	0,024	
3-тажриба	Тажриба гуруҳи	103	46	42	14	1	4,43	0,021	$\eta = 1,16$
	Назорат гуруҳи	101	22	30	49	-	3,77	0,021	
4-тажриба (тест)	Тажриба гуруҳи	103	47	40	16	-	4,43	0,022	$\eta = 1,16$
	Назорат гуруҳи	101	21	31	49	-	3,76	0,024	

Назорат гуруҳида эса бу кўрсаткичлар мос равишда 41,7%, 42,8% ва 15,5% дан иборат бўлган. Бундай методика асосида ўқиган ўқувчиларда ўқув фаолияти бирмунча фаоллашган деган хулосага келиш мумкин.

2013/2014 ўқув йилидан бошлаб уч ўқув йили давомида мўлжалланган тажриба-синовнинг уч босқичи амалга оширилди. ПТС натижаларининг статистик таҳлили шуни кўрсатдики, тажриба гуруҳларида ўзлаштириш баҳоларининг ўртача қиймати 4,21, назорат гуруҳларида бу кўрсаткич 3,85 ни ташкил қилади.

Натижалардан кўринадики, дастлабки икки йилда ўтказилган педагогик тажрибада 2-тажриба гуруҳида 1-тажриба гуруҳига нисбатан юқори натижаларга эришилган. Ўқув элементларини такомиллаштиришда унга муаммоли ўқитиш элементларини киритиш яхши самара беради деб ҳисобланди.

Самарадорликни аниқлашда  $\eta = \frac{X_1^*}{X_2^*} = 1,09$  ифодадан фойдаланилган.



**3-расм. Баҳоларнинг ўртача қийматлари динамикаси**

2016/2017 ў.й.да АЛ ларнинг 2-босқичида даврийлик технологияси асосида ўқитиш бўйича тажрибалар давом эттирилди ва ўқув йили охирида амалдаги тажриба ва синов гуруҳларида якуний тест ўтказилди. Назорат гуруҳларида эса бу кўрсаткич бўйича аксинча натижа келиб чиққанлиги маълум бўлди (3-расм, 2-жадвал). Тадқиқотда тавсия этилган даврийлик технологияси асосида ўқитиш технологияси одатдаги анъанавий ўқитиш методикасига нисбатан самарали эканлиги тажрибалар натижаларини математик статистика усули ёрдамида таҳлил этиш орқали исботланди ва натижалар илгари сурилган илмий фаразнинг тўғри эканлигини исботлади.

## ХУЛОСАЛАР

Олиб борилган тадқиқот ишлари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ўтказилган таҳлилий илмий-услубий тадқиқотлардан академик лицейларда физика курсининг электромагнетизм бўлимини ўқитишда талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини оширишнинг самарадорлигини таъминлайдиган ўқитиш мазмуни, шакли, услуби, воситаси ва технологияларини такомиллаштириш зарурлиги маълум бўлди.

2. Назарий изланишлар ва илмий-тадқиқот ишларининг таҳлили асосида физика фанини чуқурлаштириб ўқитиладиган академик лицейларнинг ўқувчиларига мўлжаллаш, ўқув режасидаги электромагнетизм бўлими учун ажратилган соатлардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш ва тизимни шакллантиришда яратилган “Электромагнетизм мавзуларини ноанъанавий ўқитиш методикаси” номли ўқув-услубий қўлланмада даврийлик технологиясидан фойдаланган ҳолда, унинг илмий-методик томонлари асослаб берилди ҳамда БухДУ, ҚарДУ ва НДПИ қошидаги академик лицейларнинг ўқув жараёнида ПТС дан ўтказилди ва амалиётга жорий қилиш учун тавсия қилинди.

3. Физика фани электромагнетизм бўлимини даврийлик технологияси асосида ўқитишнинг мақсади, уни назорат қилиш ва таълим натижаларини баҳолаш мақсадида ўқитишнинг мотивация фаолиятини ривожлантириш модели таклиф қилинди. Ушбу модель асосида ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари, улардаги билим, кўникма, малака, қайта ўзлаштириши ва якуний назорат натижалари баҳоланди.

4. Даврийлик технологиясига асосланган ҳолда электромагнетизмга тааллуқли 10 та назарий дарс, 10 та масалалар ечиш (амалий машғулот дарслари) га ишланмалар тайёрланди, шу билан бирга дастурдаги мавзуга доир 5 та лаборатория иши, видеолавҳалар ва электрон слайдлар яратилиб, улардан дарс жараёнида самарали фойдаланиш асосида ўқувчиларнинг билими, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларини ривожлантириш, баҳс-мунозараларда ўз фикрларини дадил асослаб беришига эришилди.

5. Электромагнетизм бўлимини ўқитишни такомиллаштириш бўйича тайёрланган саволлар, тестлар, дарс ишланмалари, кўргазмали воситаларни ўқув жараёнига жорий қилиш бўйича 2013–2017 йиллар давомида БухДУ, ҚарДУ ва НДПИ қошидаги академик лицейларда ўтказилган ПТС ишлари натижаларига кўра, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичи назорат гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичига нисбатан юқори эканлиги аниқланди.

6. Ўқитувчиларнинг фикр-мулоҳазалари, тавсия ва таклифлари асосида физика фанининг электромагнетизм бўлимини ўқитиш бўйича олиб борилган тадқиқот АЛ лар билан бирга ихтисослаштирилган мактабларнинг иқтидорли ёшларини ўқитишда ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги аниқланди.

7. Физика фани мавзулари бўйича олинган назарий билимларни янада мустаҳкамлаш, амалда қўллай олиш мақсадида ишлаб чиқилган “Миснинг электрохимиявий эквивалентини аниқлаш” номли лаборатория ишига (Ўзбекистон Республикаси Авторлик ҳуқуқини берувчи Агентликнинг 3255-сонли гувоҳномаси, 2010 йил 20 ноябрь), “Диоднинг вольт-ампер характеристикасини ўрганиш” номли лаборатория ишига (Ўзбекистон Республикаси Авторлик ҳуқуқини берувчи Агентликнинг 3254-сонли гувоҳномаси, 2010 йил 24 ноябрь) ва “Физика таълимида гелиотехнология” номли дастурга (Ўзбекистон Республикаси авторлик ҳуқуқини берувчи Агентликнинг 3287-сонли гувоҳномаси, 2011 йил 8 февраль) муаллифлик гувоҳномалари олинган. Бу ишланмаларнинг ўқув жараёнига жорий қилиниши ўқувчиларда электромагнетизм бўйича олинган экспериментал билимларнинг ҳаётда қўллай олиш малакасини оширишга хизмат қилади.

8. Физика фанининг электромагнетизм бўлими мавзуларини даврийлик технологиясидан фойдаланиб ўқитиш натижасида олинган ўзлаштириш самарадорлиги 9,2 фоизга ошиши педагогик тажриба-синов жараёнида аниқланди. Олиб борилган тажриба-синов ишлари натижалари асосида электромагнетизм бўлими мавзуларини даврийлик технологиясидан фойдаланиб, такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ  
DSc.28.12.2017.Ped.01.09 ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ  
УЗБЕКИСТАНА, ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ  
ИНСТИТУТЕ, ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**АТООЕВА МЕХРИНИСО ФАРХОДОВНА**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ОБУЧЕНИЯ РАЗДЕЛА  
ЭЛЕКТРОМАГНЕТИЗМА НА ОСНОВЕ ТЕХНОЛОГИИ  
ПЕРИОДИЧНОСТИ  
(на примере академических лицеев)**

**13.00.02 – Теория и методика обучения и воспитания (физика)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент-2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2017.2. PhD/Ped172.**

Диссертация выполнена в Бухарском Государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме) размешен на веб-странице Научного совета ([www.nuu.uz](http://www.nuu.uz)) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz).

**Научный руководитель:** **Каххоров Сиддик Каххорович**  
доктор педагогических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Турсунметов Камилжан Ахметович**  
доктор физико-математических наук, профессор

**Нуруллаев Бобомурод Нажмиддинович**  
кандидат педагогических наук, доцент

**Ведущая организация:** **Каршинский Государственный университет**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года в \_\_\_\_ часов на заседании Специализированного совета DSc.28.12.2017.Ped.01.09 при Национальном университете Узбекистана, Ташкентском химико-технологическом институте, Ташкентском государственном педагогическом университете (Адрес: 100174, город Ташкент, улица Университетская, дом 4. Тел: (99871) 227-16-65; факс: (99871) 246-02-24; e-mail: [pauka@nuu.uz](mailto:pauka@nuu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национальном университете Узбекистана, (зарегистрирована за №\_\_). (Адрес: 100174, город Ташкент, Алмазарский район, улица Университетская, дом-4.Тел: Тел.: (99871) 227-16-65; факс: (99871) 246-02-24).

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года.  
(реестр протокола рассылки №\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года).

**М.М.Арипов,**  
Председатель научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
д.ф.-м.н., профессор

**А.Д.Аскарлов,**  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.ф.п.н. (PhD)

**Р.Б.Бешимов,**  
Председатель научного семинара при  
научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В развитии мирового образования влияние физической науки на мировоззрение и образ жизни человечества, место в инновационных изменениях, достижения в таких отраслях, как электроника, электротехника, радиотехника, робототехника, фотоника, микроэлектроника усилили требование к технологизации системы обучения. Усиливается тенденция внедрения в образовательный процесс виртуальных имитаторов сложных физических процессов в целях обеспечения связи и зависимости между производством и преподаванием физики.

В мире проводятся эффективные исследования, направленные на улучшение качества преподавания физики, интеграции в образовательный процесс инновационный и информационных технологий, развитие интеллектуального потенциала и творческих способностей через использование возможностей образовательных технологий, создание на основе компетентного подхода современного методического обеспечения, направленного на профессиональные сферы, ориентированные на обеспечение качества образования. Адаптация учащихся в процессе преподавания физики к требованиям современного и перспективного рынка труда, новым стратегиям инновационной образовательной среды значима направленностью на овладение параметрами базой информационной инфраструктуры постоянно обновляющегося, изменяющегося и совершенствующегося физического образования.

В нашей стране в результате оказываемого внимания к образовательной системе, коренного реформирования, создания организационно-педагогических условий и материально-технической базы обучения, обеспечения квалифицированными кадрами, практических работ по широкому внедрению международного передового опыта достигнуто обновление содержания учебных программ, учебно-методической литературы по физике, широкое внедрение в учебный процесс инновационных образовательных технологий. Вместе с тем, проблемы, встречающиеся в учебной деятельности по усвоению знаний в области раздела электромагнетизма курса физики в средних специальных, профессиональных образовательных учреждениях свидетельствуют о необходимости расширения возможностей образовательных технологий. В стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан в качестве приоритетной, определена задача “углубленного изучения важных и востребованных дисциплин, как математика, физика, химия, биология, информатика и иностранный язык”<sup>2</sup>, в данной связи особое значение приобретает совершенствование методики преподавания физики раздела электромагнетизм.

---

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 год, № 20, ст. 70.

Настоящее исследование служит в определенной степени реализации задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, постановлениях № ПП-2909 от 20 апреля 2017 года “О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования”, № 4513 от 25 января 2018 года “О дальнейшем совершенствовании системы общего, среднего специального и профессионального образования”, постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан № 187 от 26 января 2017 года “Об утверждении Государственных образовательных стандартов общего среднего и среднего специального, профессионального образования”, других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики.** Исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

